

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 7 июль, Душанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 129 (11.190)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамкорлигида «Тенгдош» маданият уйида Тошкент—жонажон шахрим» мавзуда уюштирилган тадбир Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

●**БУГУН** Яккасарой туманидаги 160-мактаб қошида очилган ёзги болалар оромгоҳида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда Абдулла Авлоний номидаги маданият уйи ҳамкорлигида «Еғду» кўғирчоқ театри ижодкорлари иштирокида уюштирилган тадбир «Ёз — ўтмоқда соз» деб номланди.

●**МИРОБОД** туманидаги Фурқат номи маданият ва истироҳат боғида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан маҳаллаларда яшовчи 12-14 ёшли болалар ўртасида спортнинг югуриш, арқон тортиш, бадминтон турлари бўйича ўтказилган мусобақалар Ёшлар йиллига бағишланди.

●**ЎТГАН** кунни Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ўқувчилар, битирувчи бакалавр ва магистрлар иштирокида битирув кечаси уюштирилди.

●**ЎТГАН** кунни Тошкент Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида битирувчи ўқувчиларга дипломлар топширилди.

●**ЎТГАН** кунни Тошкент Солиқ коллежида ўқитувчилар, битирувчи ўқувчилар ва ота-оналар иштирокида ўтказилган битирув кечаси ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

●**ЎЧТЕПА** туманидаги 338-мактабга таълим муассасасида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида уюштирилган тадбир «Ёз — ўтмоқда соз» деб номланди.

●**ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодий университетининг қошидаги академик лицейда уюштирилган тадбирда битирувчи ўқувчиларга дипломлар топширилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САЊЪАТИ ФОРУМИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2008» ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҲАМДА «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИНИНГ ЁЗГИ ЎҚУВ ОРОМГОҲИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШLANGAN МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

2008 — Ёшлар йили

НАВҚИРОН АВЛОДГА АТАЛГАН ПОЙИҲАЛАР

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонларга айтиб воғта етказиш, унинг жамиятимизнинг чинакам таъни ва сунъий бўлиши учун шароит ва имконият яратиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Таълим, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий, ижтимоий ҳимоя каби соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади айни шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

«Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётган. Дастурда ёш авлоднинг қобилияти, қизиқиши ва истеъдодини кашф этишга яқиндан кўмаклашиш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ўз фаолиятини ёш авлод манфаатларини фидолаш, унга ҳар жиҳатдан кўмак кўрсатишга қаратган Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бу борада қатор ижтимоий лойиҳалар, грант дастурлари, фестиваллар, анжуманлар, кўрик-танловлар, концертлар, бадий кўргазмаларни мунтазам ташкил этиб келмоқда.

Жамғарманинڭ Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказиб келаётган «Келажак овози» иқтидорли ёшлар республика кўрик-танлови бунга мисолдир. Жорий йилда ушбу ижодий беллашувга иштирокчилардан аризалар қабул қилиш якунланди. Агар ўтган йили танловда ўттиз икки минг нафар ёш қатнашган бўлса, бу йил эллик тўрт мингдан ортиқ ёшдан ариза тушди. Бу эса юртимизда ўз иқтидори, билими, салоҳиятини дадил намойён этиш ниятидаги ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Қатнашчилар орасида тасвирий ва амалий санъат, бадий ижод, спорт, меъморлик ва дизайн йўналишида ўз маҳоратини синаб кўриш истиқолидаги ёшларнинг кўпчилиги диққатга сазовор. Мазкур танлов гоилиларининг ўз йўналиши бўйича олий таълим даргоҳларига тест синовларисиз имтиёзли тарзда қабул қилиниши ёшлар учун яратилган яна бир имкониятдир. Анжуманда танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичларида тайёргарлик ишлари ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, «Келажак овози» ёшлар

ЁЗНИНГ ЖАЗИРАМА КУНЛАРИДА СУВ ВА БОШҚА САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР, АЙНИҚСА ЖОННИНГ РОҲАТИ САНАЛИБ, ЧАНҚОҒИНГИЗНИ ҚОНДИРАДИ, ХУЗУР БАХШ ЭТАДИ. У ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА ТАЙЁРLANGAN ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ БЎЛСА, НУР УСТИГА АЪЛО НУР БЎЛИБ, ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ҲАМ ФЙДАЛИДИР.



Кичик ва хусусий бизнес

БУЮРТМАЧИЛАР ТАЛАБИ АСОСИДА

Бугунги кунда замонавий техника ва илгор технологиялар асосида турли хил салқин ичимликлар тайёрлаётган тадбиркорларимиз сафи ортиб, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар эса ўз харидорларига эга бўлиб бормоқда. Айниқса, бу борада мустақил юртимизда тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, молиявий ёрдам туфайли қўллаб кичик корхоналар хориждан замонавий дастгоҳлар келтиришга муваффақ бўлиб, рақобатбардош товарлар тайёрланмоқда, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Яна энг асосийси эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳар томонлама четдан келтириладиган худди шундай товар ўринини босаётганидир.

Шаҳримизнинг Яккасарой туманида фаолият кўрсатаётган «ПЕТ-

ПЛАС» хусусий корхонаси тадбиркорлари ҳам ўз ишларини йўлга қўйишда молиявий кўмакдан унумли фойдаланди ва ўтган қисқа давр — уч йил мобайнида олинган кредитни ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида қайтаришга эришди.

Айни пайтда ушбу кичик корхонада 30 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият юритиб, пойтахт ва республикамиз вилоятларидаги истеъмолчиларга салқин ичимликлар етказиб бормоқда.

—Илк фаолиятимиз даврида фақатгина газланган ва газланмаган сув маҳсулотларини тайёрлаган бўлсак, — дейди иш юритувчи Нодир Аббосхонов, — айни пайтда салқин ичимликларимиз тури 14 хилга етди. Айниқса, халқимиз чойни севиб истеъмол қилади. Саломатликни мустаҳкамлашда, организмни тетиклаштиришда чойнинг

аҳамияти ўзига хосдир. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда ўтган йилдан бошлаб Италия фирмасининг дастгоҳлари асосида 4-5 турдаги совуқ чойларни ишлаб чиқариб қадоқлашни йўлга қўйдик. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, салқин ичимликларимиз турли ҳажмларда қадоқланмоқда.

Корхонада буюртмачилар талаби асосида йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Ишлаб чиқариш жараёнида эса сифатга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ёқимли таъмига эга бўлган турли хил совуқ чойлар ёз кунларида харидорларга манзур бўлаётганини таъкидлаш ўринли.

Шарифа ИЛЁSOVA

СУРАТДА: Ёз чилласида цехларда маҳсулот тайёрлаш қизғин давом этмоқда.

Хусаном Эввалов олган сурат

Фармон ва ижро

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШИ ТУРАТИДА ҲУҚУҚНИ МУҲОҲАЗА ҚИЛИШ ИДОРЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШLANGAN ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛ 1 МАЙ КУНИ ИМЗОЛАНГАН «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШLANGAN ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДА БЕЛГИLANGAN ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Давра суҳбатида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдари қонун ҳужжатлари мониторинг институти, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура вакиллари иштирок этди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М.Усмонов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори ўринбосари А.Исмоилов ва бошқалар иштирокида ушбу маърузада демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида юртимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганини таъкидлади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Унинг қоидалари Конституциямиз, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, юртимизда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг изчил механизми яратилгани амалда ўз самараларини бермоқда. Жамиятни эркинлаштириш шароитида демократик кадрларнинг мустаҳкам қарор топиши, инсон ҳуқуқ ва ман-

фаатларининг ҳимоя қилиниши — фуқаролик институтлари фаолиятининг муҳим йўналишига айланиб бораётган. Мазкур институтларнинг жамиятдаги мавқеи тобора мустаҳкамланаётгани давлат ва жамиятнинг таъкидлари фаолияти устидан жамоат назоратининг ўрнатилишида муҳим омили бўлмоқда.

Фуқаролик институтларини эркин ривожлантириш, уларнинг давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазиёсини ўташидаги самарали фаолияти учун етарлича ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий қарорлар, барча зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони фуқаролик институтларининг мавқеи ва аҳамиятини янада юксалтиришда, жамиятимизда барча жабҳаларда кеңайтирилган ислохотларда уларнинг фаол иштирокчини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Ҳужжатда қўзғатилган вазиёлар ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда юртимиз минтақалари ва вазирлик ва идоралардаги инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус бўлинмаларни қамраб олишга қаратилган ишчи гуруҳлар тuzилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва идораларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга оид амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎА МУХБИРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

●**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг олий бизнес мактаби қошидаги Корпоратив бошқарув марказида, марказнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, корхоналардаги раҳбар кадрлар малакасини ошириш борасидаги кенг қўламли иш фаолияти, мавжуд ўқув дастурлари ҳамда кўрсатиладиган хизмат турлари бўйича кенг жамоатчиликка маълумот бериш мақсадида кўргазмали семинар ташкил этилди.**

●**«ЭКОСАН»** халқаро ташкилотида «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросига бағишланган жамоатчилик эшитувлари бўлиб ўтди. «Экология ва саломатлик кунлари»нинг иккинчи босқичи тадбирлари доирасида ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, идораларнинг масъул ходимлари, йирик саноат корхоналари ва жамоатчилик ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

●**Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Чирчиқ шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси томонидан кенг қўламли ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, ширкатлар жамоалари 670 та кўп қаватли уйлар йўлакларини таъмирлайдилар, 480 та уй атрофидаги ёритиш тизими янгиланди, 340 та бинонинг олд қисми таъмирдан чиқарилади. Шунингдек, қурулурлардаги 340 та задовижка ҳамда 3850 метр қувурлар алмаштирилади.**

●**Самарқанд туманининг Кониғил қишлоғида замонавий мактаб биноси қад ростлади. Бу ерда айни пайтда пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. 360 ўринли мазкур билим даргоҳи қурилиши учун 622 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, янги мактаб мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида қишлоқ ўқувчилари учун муносиб совға бўлади.**

●**МТС компанияси мулоқот қилишни хуш кўрувчи барча абонентлар учун «Хуш келибсиз»** деб номланган янги тариф режасини ишга туширди.

●**Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли «Дўстлик» агрофирмаси энг сара ва сифатли маҳсулотлари учун халқаро кўриктанловда голиб деб топилди, олтин нишонча сазовор бўлди. Агрофирмага нуфузли соврин ва диплом Мадридаги «Мелия Кастерия» меҳмонхонасида бўлиб ўтган жажон экспертлари ва сертификат қўмитаси анжуманида тантанали равишда топширилди.**

●**Анджон вилояти, Улуғнор туманидаги «Старспнинг» фермер хўжалиги ёғочга қайта ишлов бериш бўйича ишлаб чиқариш цехи фаолиятини йўлга қўйди. «Пахта банк»дан олинган имтиёзли кредит ҳисобига цехга зарур асбоб-анжомлар ўрнатилди ва ҳозир бу ерда дераза ромлари, эшиклар, сандиклар ва бошқа истеъмол маҳсулотлари тайёрланмоқда.**

ЖАҲОНДА

●**Бугун Япониянинг Хоккайдо оролида катта «саккизилик» давлатлари раҳбарлари иштирокидаги саммит бошланди. Ушбу нуфузли анжуманда Хиндистон ва Хитой давлатлари раҳбарлари ҳам иштирок этаётган бўлиб, саммитнинг биринчи кунини Африка шиори остида бўлиб ўтди. Таъкидлаш керакки, ушбу саммитда асосан иқтисодийта доир масалалар, нефть ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг ошиши шунингдек, иқлим ўзгариши муҳокама этилади.**

●**АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ракетага қарши мудофаа тизимини юзасидан шартномани имзолаш учун Прагага таширф бўлади.**

●**Кеча Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида маҳаллий сунийлар маъзаби оқсоқоллари кенгаши етакчиси Р.А. Бадрий портлаш уюштирилиши оқибатида ҳалок бўлди.**

●**Кеча Исроил ўзининг «Темир гумбаз» номи янги ракетаси қарши мудофаа тизимини синовдан ўтказди.**

●**Колумбияда 6 йилдан ортиқ муддат давомида жангарилар қўлида гаровда ушлаб турилган ва яқинда озод этилган собиқ мамлакат президентлигига даъвогар Ингрид Бетанкур Франциядан ўз ватанига қайтишини билдирди.**

●**Мьянмадаги Иравади дарёсида йўловчиларни олиб кетаётган кема қўшиб кетди. «Ассошиэтед пресс» хабарига айтилишича, ҳалокат оқибатида 38 нафар йўловчи ҳалок бўлган. 44 нафари қутқариб олинган. Айни пайтда мамлакат полицияси ҳалокат сабабларини ўрганмоқда.**

●**Мўғулистон пойтахти Улан-Баторда полиция ва муҳолифат вакиллари ўртасида жиддий тўқнашув содир бўлди. Тўқнашув натижасида тўрт киши ҳалок бўлган, нисозини баргараф этишда қатнашган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан 400 нафари жароҳатланган. Шу муносабат билан мамлакатда факултода ҳолат эълон қилинди.**

●**АҚШ сальмонеллез касаллигини вируслари борлиги гумон қилинган ҳолда Мексикадан айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олишни тўхтатди.**

●**Кеча Боливияда Куба инқилоби етакчиларидан бири Эрнесто Че Геваранин темирдан яралган улкан ҳайкали очилди.**

●**Берлинда Мум хайкаллари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.**

●**Англиянинг «Челси» футбол жамоаси Россиянинг «Зенит» командасига мохир ҳужумчи А.Аршавинни харид қилиш учун 12 миллион фунт стерлинг миқдоридagi маблағни тақлиф этди.**

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

УНУТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Хусусан яқинда «Ёшлар йили» муносабати билан барча тармоқлардаги кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари ҳамда касабани уюшма фаолларидан иборат 686 нафар кишининг Самарқанд шаҳрига сафари уюштирилди. «Ёшлар йили» дастурига мувофиқ ёшлар ва касабани уюшма фаолларидан иборат жами 1200 кишини Самарқанд шаҳрига бепул тарзда саёхатини уюштириш ҳам кўзда тутилган. Ер юзининг сайқали — энг гўзал шаҳарларидан бири сифатида эътироф қилиниб, таърифи тилларда достон бўлган Самарқанд шаҳрига хорижлик меҳмонлар қадамининг

узилмаслиги, улар билан кўхна шаҳарнинг гавжум эканлиги бежиз эмас.

Давр ҳамиша инсонлар онгида, мамлакат тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади. Бу оддий ҳақиқат. Таъбир жоиз бўлса, қатрада қуёш акс этганидек, Муस्ताқиллик шаърофати билан қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг ҳуснига-хусни, салобатига янада юксак салобат бўлиб кўшилди. Осмонга буй чўзган улугвор миноралар, мадраса, мақбаралар — улуг аждодларимизнинг бой маданий мероси асрлар оша яшаб, жаҳон аҳлини лол қолдириб келмоқда. Шу билан биргаликда юртимизда бўлаётган

ўзгаришларнинг энг муҳими — инсонлар онгида содир бўлаётган ўзгариш, янгиланиш жараёнидир. Хизмат сафари билан Самарқанд шаҳрига борганимда қизиқ ҳолатга дуч келдим. Улуғ олим, буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек расадхонаси ёнида 12-13 ёшлар чамасидаги ўзбек ўғлини хорижлик нуроний онахон, отахонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг Улуғбек бобомиз ҳақидаги саволларига ўзини хотиржам тутиб, инглиз тилида бийронлик билан жавоб берарди. Хорижлик муҳтараманим самимий дўстона суҳбатдан, боланинг инглиз тилини, ўз Ватани тарихини яхши билишидан фоят

таъсирланиб, мамнуният билан эсдалик сифатида битта чиройли рўчакни совға қилди. Қизиғи шундаки, бола чиройли совгани кўргач, уни қабул қилишга шовилмади ва аксинча, вазминлик, одоб билан раҳмат айтди, хорижлик меҳмон қайта-қайта таклиф этганидан кейингина совгани қабул қилди. Боланинг яхши оилада тарбия кўрганлиги яққол сезилиб турарди. Ёшларнинг ҳеч кимдан кам эмаслиги, ҳеч кимдан кам бўлмаслиги руҳида ҳаётга қараши, даврга монанд фикрлаши, ўзини тутта билишидан фоят қувондим. Зеро, ислохотларнинг энг муҳим жиҳати — инсон онгида улкан ижобий ўзгаришларни юзага келтираётганлиги десак янглишмаймиз.

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

МЕҲНАТКАШЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ ДАМ ОЛДИРИШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ. 2008 ЙИЛ МАМЛАКАТИМИЗДА АЗИЗ БОЛАЛАРНИНГ БЕГУБОР, ЁКИМЛИ ЧЕХРАСИ, ДИЛДАН АЙТГАН СЎЗЛАРИ ҲЕЧ КИМИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАЙДИ.



Яқинда «Жанубий» темир йўл вокзалида Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг Тошкент вилоятининг сўлим табиат гўшаларида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиб қайтаётган болалар билан суҳбатладим. — Менга «Меҳржон» оромгоҳи жуда ёқди, — дея сўз бошлади Хўжайли туманидаги 69-мактаб ўқувчиси Жаҳонгир Айтбоев майин табасум билан.

— Оромгоҳда барча шароитлар бўлиб, маънавий дам олиб, спорт билан шуғулланиб, тўғрақ машғулотларига қатнашдим. «Меҳржон» оромгоҳида дўстларим билан маънавий дам олдим, — дейди Тўрткўл туманидаги 1-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Тўрабек Абдуллаев. — Тўғрақ машғулотларига, спорт мусобақаларига қатнашдим, ҳеч зерикмадим. Бу сўлим ором-



гоҳга имкони бўлса яна келишни хоҳлайман.

Болаларнинг самимий айтган сўзларини тинглаш мароқлидир. Оромгоҳдаги тўғрақ машғулотлари уларнинг хунар ўрганишига, санъатга меҳр қўйишига сабабчи бўлса ажаб эмас. Бола кулса, олам кулади, деганларидек, боланинг чиройли табассумини кўриш кишига бир олам шодлик ҳадаи этади.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН КУЧЛИ, АҚЛАН ЕТУҚ, МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ КАМОЛ ТОПИШИГА ЭЪТИБОР БЕРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГАЧА КЎТАРИЛГАНЛИГИ ЭЪТИБОРГА МОЛИКДИР.

«Баркамол авлод» спорт мусобақаларини ёшлар севиши бежиз эмас. Спорт байрамга айланган кетган бу улкан, қизиқарли, унутилмас тадбирда мамлакат спорт шарафини халқаро майдонда ҳимоя қилишга қодир бўлган ёш истеъдодлар кашф этилади, спортнинг оммавийлиги оширилади, яна бир муҳим жиҳати — ёш иштирокчилар дўстлар орттирилади.

Меҳнаткашлар ва айниқса ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, қобилиятли ёшларни камол

топтиришга аҳамият бериш касабани уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Яқинда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида шаҳар касабани уюшмалари болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг ўқувчилари ҳам муносиб қатнашдилар. Олимпия захирачилари болалар-ўсмирлар 2-мажмуавий спорт мактаби ўқувчиси Валерия Канатова энгил атлетика бўйича бахсларда зафар қозонди. Умидли спортчимиз узунликка сакрашда ва уч хатлаб сакраш бўйича беллашувларда голиб чи-

қиб, икки мартада ҳурмат шохсупасининг юқори поғонасига кўтарилиб, нима-ларга қодирлигини намойиш этди.

Ғалаба қозониш билан бирга спортнинг оммавийлигини оширишга ҳизмат қилиш, дўстлар орттириш муҳимдир. Зеро, спорт мусобақаларининг асл мақсади эзгу ниятлар сари интилишдир.

Саидмаҳмуд ЯҲЪЁЕВ,
Тошкент шаҳар касабани уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти кенгашининг раиси

СТАТИСТИКА МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА ЮРТИМИЗ ЖАМИ АҲОЛИСИНING 64 ФОИЗИНИ ЁШЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ. КЕЛАЖАГИМИЗ БЎЛГАН ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ЮКСАК, ЭЪТИҚОДИ МУСТАҲКАМ, СИЁСИЙ САВИЯСИ ЕТУҚ, ЎҚИМИШЛИ ИНСОНЛАР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ УСТОЗЛАР, МУРАББИЙЛАР ЗИММАСИГА ВАТАН ИСТИҚБОЛИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА ЮКЛАТИЛГАН МУҲИМ, ШАРАФЛИ ВАЗИФАДИР.

ОРОМГОҲДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислам университетида олиб борилаётган ва режалаштирилган маънавий-маърифий ишлар диққатга сазовордир. Ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун, қизиқarli ўтказиш, уларни турли оқимлардан, жиноятчилик, гиёвандлик ва ОИТС каби офатлардан асраш ҳамда Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириш каби эзгу амалларни ҳаётга татбиқ қилиш долзарб вазифага айланган.

Тошкент Ислам университети касабани уюшма кўмитасининг таклифи ва хомийлигида жорий йилнинг июнь ойлари бошида Тошкент вилояти, Ғазалкент туманининг сўлим гўшаларида бирида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!» широи остида ўтказилган ёшлар спорт-соғломлаштириш фестивали айнан юқорида баён этилган муаммоларнинг ечимига бағишланган. Мазкур тадбирда университет жисмоний тарбия кафедраси билан ҳамкорликда спортнинг ўндан ортиқ турли бўйича танлов доирасида мусобақалар ва танловдан ташқари миллий халқ ўйинлари бўлиб ўтди. Мусобақалар шўх мусика садолари остида кечиб, тадбир мароқли, мазмунли тарзда давом этди.

Мусобақалардаги кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, «чиллак» ўйини, «елка жанги» каби ўйинлар қизгин бахсларга сабаб бўлди. Университет профессор-ўқитувчиларидан А. Абдуллаев, А. Сулейманова, М. Зиркулдаевлар ва Тошкент шаҳар давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси кенгаши масъул ходими М. Давлетовлар билан бўлган давра суҳбатлари талабаларда яхши таассурот қолдирди. Тадбир якунида фестивал голибларини университет ректори, профессор Равшан Абдуллаев қизгин кутлаб, уларга касабани уюшма кўмитаси томонидан ажратилган эсдалик совғаларини топширди ва бундай тадбирлар давом этишини таъкидлади.

Юсуфжон САДИКОВ,
Тошкент Ислам университети,
касбани уюшма кўмитасининг раиси.

КҮН ТАРТИБИДА — МУҲИМ МАСАЛА

БОЛАЛАРНИ ДАМ ОЛДИРИШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ — КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР. 2008 ЙИЛНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДЭБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БУ ДОЛЗАРБ МАСАЛА ЯНАДА ЖИДДИЙ ЁНДОШИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ.

Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотлари тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини эзги мавсумга тайёрлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Бу борада мутасадди идоралар, бошқармалар томонидан болаларни эзги мавсумда соғломлаштиришнинг мазмунли ўтказишга қаратилган ўзаро ҳамкорликдаги қатор тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Болаларни мароқли дам олдиришга янада жиддий эътибор бериш, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика доимий комиссияси қошида ишчи гуруҳи тузилиб, соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбатида болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолияти атрофида ўрганиб чиқилди.

Яқинда Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Тошкент шаҳар доимий комиссиясида шаҳар ҳокимлигининг мутасадди бошқармалари бўлимлари, хизматлари тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган шаҳар корхоналари, ташкилотлари раҳбарлари, касабани уюшма кўмиталари раислари ва тармоқ касабани уюшмалари шаҳар ташкилотлари раҳбарлари иштирокида мажлис ўтказилиб, текшириш натижалари атрофида ўрганилди.

Кун тартибидеги масала юзасидан Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлимининг мудири А. Султонов маъруза қилди. Йилгида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятида йўл қўйилган баъзи камчиликлар, айрим муаммолар ҳамда уларни зудлик билан бартараф қилиш лозимлиги таъкидланиб, тегишли тадбирлар белгиланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда белгиланган тегишли тадбирларни изчиллик билан ижро қилиш масъул шахслар зиммасига юкланди.

Нигора ТУСУНОВА

Инсон ва қонун

ҒАРАЗ НИЯТЛИЛАР МАҚСАДИГА ЕТОЛМАЙДИ

Миссионерлардан оғоҳ бўлинг!

ЮРТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МИЛЛАТЛАР ВА ДИНАРЛАРО ТОВУЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, МАЪНАВИЙ ВА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИ КУЧАЙТИРИШ БОРАСИДА ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. АҲОЛИНИНГ СИЁСИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ДОИР ИШЛАР ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.

Халқимизга хос бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва сарҳоват каби фазилатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик ва фаровонликнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис соғлом маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашнинг аҳамияти беқиёс. Биз учун мутлақо ёт гоғлар, оқимлар ва турли иллатларнинг кириб келишига йўл қўймастик, ҳали оқ-қорани яхши ажрата олмайдиган навиҳол фарзандларимизнинг юксак маънавият ва салоҳият соҳиби бўлишини таъминлаш истиқболимизни ҳимоялаш демакдир.

Юртимиз ҳудудида диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмни тарғиб қилувчи адабиётлар ва бошқа воситалар кириб келишининг олдини олиш борасида боғхоначиларимиз томонидан кўрилатган чора-тадбирларда ана шундай ғараз ниятли қимсаларнинг қилмишлари фожия бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат боғхона кўмитаси матбуот хизматида ЎЗА муҳбирига маълум қилишларича, боғхоначиларимиз томонидан 2007 йилда эллика яқин ана шундай ҳолат аниқланиб, қарийб олти минг донага яқин, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 33 ҳолатда 654 дона турли кўриниш, шакл ва мазмундаги тақиқланган диний адабиётлар ушлаб қолинган.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига кўра мамлакатимизда ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади.

Конституцияимизда ҳамма учун виждон эркинлиги таъминланган. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Тошкент шаҳар боғхона бошқармасининг «Бошпочтамт» ташқи иқтисодий фаолият боғхона пости ходимлари Германиядан оҳангаронлик Л.Квасова номига юборилган почта жўнатмасини боғхона кўригидан ўтказганида, буюмлар орасида жами 34 дона диний мазмундаги CD ва DVD диск борлиги маълум бўлди. Австралиядан Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи М. Санафеева номига юборилган почта жўнатмаси боғхона кўригидан ўтказилганида эса ичиди 13 дона «Вестник спасения» журнали борлиги аниқланди.

Навоий вилояти боғхона бошқармасининг «Уч-тепа» ҳаракатдаги боғхона пости ходимлари «Тошкент-Бухоро» йўналиши бўйлаб бораётган «Нексия» автоматшасини текшириш жараёнида юқоридаги каби қонунбузарлик ҳолатини фожия этди. Фуқаролар М.Турдиев, А.Лоқшев ва Д.Тошматов миссионерлик руҳи билан суғорилган 70 дона турли мазмундаги адабиётлар, анчагина миқдордаги аудио, видеотасма ва DVD дисклар, шуниингдек, икки дона «IBM» русумли ноутбукни қонуннинг равишда олиб кетаётганликлари ошқор бўлди.

Хориждан бундай «қўлланма»ларни қабул қилиб олаётган қимсаларнинг мақсади нима-лигини аниқлаш қийин эмас: текин даромад эвазига виждонини сотиш ва ўзгаларни ҳам бундай кулфатга гирифтор қилиш. Хориждан туриб, зимдан иш кўраётган қора кучларнинг нияти — тинч, фаровон ҳаёт кечириб, катта орзу мақсадларни кўзлаб бунёдкорлик билан банд халқимизни, айниқса, ёшларни чалғитиш, йўлдан оздириш. Аммо тарихий илдишлари бақувват, имон-эътиқоди, маънавияти мустаҳкам халққа, миллатга ҳеч қандай куч бас кела олмайди. Ниҳоят бузуқларнинг эса кирдикори фожия бўлиши тайин.

Бу гал ҳам шундай бўлди — айбдорлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Иқтисодиёт

ЎН ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗИНИНГ ЎН ЙИЛЛИК САНАСINI НИШОНЛАМОҚДА. «ЎЗМОНТАЖМАХСУСҚУРИЛИШ» УЮШМАСИНИНГ ЙИРК БЎЛИНМАСИ ХИСОБЛАНГАН БУ КОРХОНА ШУ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ҚУРОЛЛАНДИ.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган пўлат қувурлар сув-газ ўтказгич мосламалари сифатида кўплаб тайёрланмоқда. Бундан ташқари нефт ва газ магистраллари учун металлпластик қувурлар ҳам етказиб берилмоқда. Бу маҳсулотларнинг ақсарияти аввало сифати билан харидоригор бўлиб бормоқда.

Ҳозир корхона йилига 70 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Анжуманлар

ҲАМШИРАЛИК ИШИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ҲАМШИРАЛИК ИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, СОҲАДА ИШ ЮРИТИШ ВА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ҲАЖОН ТИББИЁТИНИНГ ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲАЖОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТГАН ТАДБИРДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТУЗИЛИМАЛАРИ, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ, МАМЛАКАТИМИЗ, ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЛАРИ ВА МДҲ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ҲАМШИРАЛАРИ, ТИББИЁТ МУАСССАЛАРИ ОЛИМЛАРИ ВА ШИФОКОРЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Камилов мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида тиббиётнинг барча баҳаллари қатори ҳамширалик хизмати ва таълимнинг ривожлантиришига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурийни амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар

қўламини янада кенгайтириш, мутахассислар тайёрлаш ва иш юритиш жараёнларини тубдан такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлаётди. Мамлакатимиздаги етмишдан зиёд тиббиёт коллежиди ҳар йили қарийб эллик минг нафар мутахассис тайёрланади. Уларга ҳақон андозалари даражасида таълим бериш, бўлажак ҳамшираларнинг билим ва кўникмаларини ошириб бориш, тараққий этган мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги тажрибасини ўзлаштириш мақсадида қарийб тўрт йилдан буён Япониянинг халқаро ҳамкорлик

агентлиги — JICA кўмағида ҳамширалик таълимини такомиллаштиришга доир лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида кўплаб ўқув-ўқувчи семинарлар ўтказилди, юртимиздаги бир қатор тиббиёт коллежлари замонавий ўқув-тажриба воситалари билан таъминланди. Тиббиёт коллежлари ўқитувчилари ва бирламчи шифо муассасаларининг ҳамшираларидан бир гуруҳи хорижда малака оширди.

Мамлакатимизда олий маълумоти ҳамширалар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани аҳолига тиббий хизматни янада яқинлаштириш, профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, ҳамширалик таълими ва бу борада кўрсатилаётган хизмат сифати ҳамда самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилаётди.

Халқаро анжуманда мамлакатимизда тиббиётнинг ушбу соҳасида амалга оширилаётган ишлар, оришлар, эришлар, галдаги вазифалар, бу борада хорижий мамлакатларда қўлланилаётган янги технологияларга оид маърузалар тингилди. Ҳамширалик ишларни юритишдаги замонавий ёндошувлар, таълим тизимидаги илгор технологиялар, ушбу йўналишдаги илмий изланишлар бераётган самаралар юзасидан ўзаро тажриба алмашилди.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ

КУНИ КЕЧА ЮНУСОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИДА «ТУМАНДА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ТЕРРОРИЗМ, АҚИДАПАРАСТИК ВА ЖИНОЯТЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ» ВА «ЁШЛАР ОРАСИДА ТУРЛИ ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК ОҚИМЛАР, МИССИОНЕРЛИККА КИРИБ КЕТИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР» МАВЗУИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Туманларда

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирни кириш сўзи билан очган туман ҳокими Қ. Фармонов туман ҳудудидида ижтимоий сиёсий-вазирати барқарорлаштириш, аҳоли, айниқса аёллар ва ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимларга кириб кетишининг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, хусусан, тумандаги ҳар бир ўқув муассасасида, маҳалларда, корхона ва ташкилотларда туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамағармаси, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими, «Камолот» ЁИҲнинг туман бўлими каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда асосий эътиборни жиноятчиликнинг айниқса ёшларнинг гўёвандлик, ичкиликбозлик, диний-экстремистик оқимларга кириб кетишининг олдини олишга қаратилган бир қатор учрашувлар ўтказилиб келинаётгани, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, Тошкент Ислам университети проректори А. Ғофуров сўзга чиқиб диний экстремизм, сиёсий терроризм ҳамда уларнинг аянчи оқибатлари ҳақида иштирокчиларга аниқ мисоллар билан тушунтириш бериб, Тошкент шаҳрида сўнгги вақтларда «миссионерлик», яъни бир дин вакиллари томонидан бошқа динга мансуб бўлган шахслар орасида ўз таълимларини тарқатиш йўли билан сафларни кенгайтиришга қаратилган фаолиятнинг кенг аялаётгани ва бунинг вақтида олдини олиш, фарзандлар

римизнинг гоёвий бўшлиғини тўлдириш, тўри йўл кўрсатиш билан бирга жамият умун фойда келтирадиган қилиб тарбиялаш лозимлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, учрашувда сўз олган туман прокурори И. Қазакбоев туманда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, тежор ва ижтимоий-сиёсий вазирати барқарорлаштириш, диний экстремистик ҳаракатларнинг олдини олиш борасида туман ҳуқуқчи мунофаз қилиш идоралари ходимлари томонидан кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар, профилактика инспекторлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кўмиталари раислари билан ҳамкорликда маҳалларда ўтказилаётган тадбир ва учрашувлар ҳақида маълумот бериб, мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки юқоридаги мавзу бўйича тумандаги 58-, 63-, 21-, 12-, 265-, 70-, 51-, 220-, 258-, 5-, 96-, 235-, 240-, 105- каби бир қатор ўрта умумтаълим мактабларида ҳам учрашувлар ўтказилиб, унда «Янги ариқ», «Увайли», «Адолат», «Улуғбек», «Шивли», «Янгиобод» каби маҳаллаларнинг оқсоқоллари, фаоллари ва турли ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Шахризода МУҲСИМОВА

БУГУНГИ КУНДА ШАҲРИМИЗДАГИ МАВЖУД БАРЧА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ БИЛАН ГАВЖУМ. МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИ ЎЗЛАРИНИ ҚИЗИҚТИРГАН СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ МАҚСАДИДА ХУҲУЖАТЛАРИНИ ЎҚУВ МУАСССАЛАРИГА ТУПШИРИБ БЎЛДЛАР.



2008 — Ёшлар йили

КЕЛАЖАКНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ

Биз Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейда бўлганимизда қабул жараёни ҳаёт раиси Аббор Ансамов ҳамкорлигида таълим масканининг шарт-шароитлари ва ўқувчилар учун яратилган қулайликлар билан яқиндан танишдик. — Ўқув муассасамиз 1999 йилда ташкил қилинган,— дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи директори Бахтиёр Эшонжонов. — Лицейимизга умумий ўрта таълим мактабларининг тўққизинчи синфини битирган ўқувчилар қабул қилинади. Ўқув масканимиз асосан шарқ тилларини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган бўлиб, унда араб, форс, ҳинд, урду, турк, япон, хитой ва инглиз тиллари пухта ўргатилади. Таълим эса асосан рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Бизнинг лицейимизда ҳам бошқа таълим даргоҳлари каби ёшларнинг етарлича билим олишлари учун барча шароитлар етарли. Энг малакали мутахассис ўқитувчилар таълим берадилар. Ишонимизки, бу ерда таълим олаётган ёшлар келажақда ўз орзуларига эришиб, ватан тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшадилар. Уларнинг келажақдаги ҳар қандай эзгуликка йўғрилган истакларига қўлимиздан келганча ёрдам беришга тайёрмиз. Донолар айтганидек — Ватан тараққиётида илм ва изланишнинг моҳияти каттадир, унинг негизини эса устоз ва

мураббийлар ташкил қилади... Дарҳақиқат, ушбу ўқув масканида ўқувчиларнинг ўз мутахассисликлари бўйича билим олишлари учун имкониятлар кўнгидагидек яратилган. Барча таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ишларни аниқ йўналишларда олиб бориш учун тўртта фан кафедралари фаолият кўрсатишмоқда. Хорижий филология йўналишида шарқ тили, инглиз тили, она тили ва адабиёт, тарих фанлари чуқурлаштирилиб ўргатилади. Аниқ фанлардан эса, ушбу йўналишларда хорижий тил, она тили ва адабиёт, математика ва информатика фанлари чуқурлаштирилган. Бундан ташқари. Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳам мукаммал ўргатилганлиги боис пойтахтимизда фаолият юритаётган кўплаб шарқ давлатлари элчихоналари ва маданий марказлари билан кенг миқдосдаги алоқалар ўрнатилган. Ана шу ҳамкорликнинг самараси ўларок лицей ўқув хоналари замонавий техник жиҳозлар, электрон дарсликлар ҳамда ўқув адабиётлари билан етарли даражада таъминланган.

Лицей ЮНЕСКО тасарруфидида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дастурига ҳам аъзо. Бунга кўра ўқув муассасаси ўқувчилари ва устозлари ушбу дастурга аъзо бўлибгина қолмасдан бошқа давлатлардаги нуфузли ўқув даргоҳлари билан алоқада бўладилар.

Битирувчиларга гид кузатувчи, саёҳат бюроси ходими, иш юритувчи, мактабга таълим муассасаларида хорижий тил ўргатувчиси мутахассисликлари бўйича дипломлар берилади. Академик лицей битирувчилари асосан Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети каби ижтимоий гуманитар ва иқтисод йўналишларидаги олий ўқув юрларининг талабалари бўлишади.

Келажақ авлоднинг доно, зукко, илмий инсонлар бўлиб етишиши бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Чунинчи, келажақка умид ва ишонч билан қараётган, улкан қўқиларни забт этишга чорланаётган, орзулари ўзлари каби мусаффо бўлган бу каби ёшларнинг ҳар бир ташлаётган қадамида дадиллик, ўзига ишонч, изланиш ва интилишга ҳаракат ва ҳар ишда собитлик бўлишини талаб қолади. Умид қиламизки, мазкур академик лицейнинг жонқуяр ўқитувчилари бу ишда уларга ҳамма ҳамдам, ҳамкор ва ҳамқадам бўлиб қоладилар.

Гулҳебра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей ҳаётдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Фанимиз заҳматкашлари

ИЛМГА БАХШИДА УМР

ЎЗ СОҲАСИНИНГ ЖОНҚУЯРИ, БИЛИМДОНИ БЎЛИШ ОНИМ ИШ ЭМАС. БУНИНГ УЧУН ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ҚИЛИШ, КАТТА ТАЖРИБА, ФАОЛ ДУНЁҚАРАШ ЗАРУР.

Табиятан камтар, меҳнатсевар, билимдон ва ўз касбининг чинакам жонқуяри, педагогика фанлари доктори, профессор Ботир Мирзахмедов, хозирги А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтининг ректори бўлиб ишлаганда ўқитувчи, методистлардан ўз устида ишлагани, илмий-методик, тадқиқот ишлари билан шуғулланиши тавсия қиларди. Бунинг сабабини кейинчалик билсам, у ўзининг қарийб эллик йиллик меҳнат фаолияти давомида ўқувчи ва талабаларга илми хикमत бўлган физика фанини ўқитишнинг илмий, методик сирасорларини ўрганишни педагогик, методик санъат билан қуроллантириб келаётган услубийлик олим экан.

Ботир Мирзахмедов илмий-педагогик фаолиятини Тошкент шаҳридаги 82- сонли кечки мактабда физика фанидан дарс беришдан бошлади. У стажёр-тадқиқотчи сифатида Москва вилоят педагогика институтининг физика ўқитиш методикаси кафедрасида илмий-тадқиқот ишлари бошлади. «Ўзбекистон кечки кишлоқ ёшлар мактабидида физика ўқитишнинг ўзига хослиги» мавзусидаги номзодлик диссертациясини Нисомий номидаги ТДПнинг ихтисослашган илмий Кенгашида 1968 йил 1 мартда ёқлади. Расмий оппонентлар—ўз даврининг атоқли олимлари профессорлар Б.Яворский, Э.Қодиров тадқиқот ишлари жуда ҳам юқори баҳоладилар. Б.Яворскийнинг ўз чиқишида физика ўқитиш методикаси бўйича Ботир Мирзахмедов диссертацияси тисмолида Тошкент — Москва ўртасида методик кўприк қурилди деб эътироф қилгани кўпчиликнинг

ҳамон эсида. Б. Мирзахмедовнинг илмий-тадқиқот ишига берилган бу каби юқори баҳолар тўғри эканлиги вақт ўтиши билан ўз тасдиғини топди. Педагогика фанлари номзоди Б. Мирзахмедов физика ўқитиш методикаси бўйича кенг қамровли илмий — педагогик фаолият олиб борди. Ўзбекистонда физика ўқитиш методикаси ва методистларнинг тайёрлашда академиклар П. Хабибуллаев, Р.Бекжонов, Р.Маллин, Э.Назиров профессор С.Турсунвалларнинг хизматлари қаторида Б.Мирзахмедовнинг ҳам хизматлари бекиёсидир. Б.Мирзахмедов кенг қамровли илмий фаолиятида Нисомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (хозирги Нисомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети) ва бошқа олий ўқув юртини битирган, илмга иштиёқи бўлган ёшларнинг физика ўқитиш методикаси бўйича илмий тадқиқот ишларига жалб қила бошлади. Маълумки, физика таълими тажриба фактларига таянган ҳолда яратилган бўлиб, унинг такомиллашуви жараёни ҳам мазкур жиҳат тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. 1970 йилларга келиб физика нафақат экспериментал фан, балки у ўзининг муҳим назарий асосига эга бўлган фундаментал фан эканлиги устувор ҳисобланиб, физика таълими мазмунида унинг фундаментал назариялари тўлақонли акс этиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини илмий жиҳатдан асослаш, уни тадқиқ этиш методик муаммо сифатида кун тартибига қўйилди. Бу муаммонинг илмий-методик ечимини топишда ўз даврининг машҳур олимлари қаторида

дик мақолалар ва методик қўлланмаларни чоп этди. 30дан ортиқ номда дарслик ва методик қўлланмаларга масъул муҳаррир бўлди, 200 босма таъбадан ортиқ ҳажмдаги турли номдаги физика курслари, методик қўлланмаларни ўзбек тилига таржима қилди. «Замонавий физика таълим мазмунини яратиш ва унга муносиб бўлган ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш ниятим борки, бунда физика ўқувчи ишларни қизиқтирадиган, физик билимлар эса келажақ ёшларининг илмий, амалий ҳаётидаги эҳтиёжга айланиб қолади деган фикр бўлиб қолишига ишонманам»,— дейди Ботир Мирзахмедов. Устознинг оиласини педагоглар сулоласи десак хато қилмайми, чунки фарзандлари, набиралари ота-оналари, боболари изидан боришмоқда. Ботир Мирзахмедовнинг илмий-методик малакали кадрлар тайёрлашдаги ҳамда жамоат ишларидаги хизматлари муносиб тақдирланди. 1985 йилда Ўзбекистонда жиҳат кўрсатган халқ таълими ходими фахрий унвони соҳиби бўлди. Тиниб-тинимас иходдор, доимо янгиликка интилувчи, шоғирларга меҳрибон, беназир раҳбар сифатида ўрнатилган олса арзийдиган инсон кутлуг 70 ёшга қадам қўйган бўлса-да, ҳамон ўз билим-маҳоратини мамлакатимизда физика фанини ривожлантириш йўлида сарфламоқда. Биз талабчан ва меҳрибон устоз Ботир Мирзахмедовнинг ёш олимларни тарбиялаш, тайёрлаш ва физика таълими мазмунини тубдан янгилашдаги фаолиятида куч-қувват, ғайрат талаб қоламиз.

Юсуф МАҲМУДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор. Акрам АКМАЛОВ, педагогика фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

●Хиндистонда электрон оммавий ахборот воситалари орқали узатиладиган теледастурларни назорат қилувчи махсус мониторинг маркази ишга тушди. Мазкур марказ эфирга узатиладиган барча дастурларнинг мазмуни ва моҳиятини таҳлил этиш, уларнинг тегишли қонун-қоидаларга риоя этилишини, телекўрсатувлар ва радио эшиттиришларнинг мамлакат маданияти, анъаналари ва менталитетига мос келишини назорат қилиш билан шуғулланади. Мамлакат ахборот ва радиоташқириш вазирлигининг маълумотларига кўра, айти вақтда ушбу марказ юздан зиёд тижорат каналлини назорат қилмоқда. ●Миср эҳромлари қандай жисмлардан тикланган? Баъзи олимларнинг фикрича, юқори Нил қояларидан тош бўлақлари кесиб олиниб, сўнгра қурилишга жўнатилган. Бошқа бир гуруҳ олимларнинг таҳминига кўра бу жисмлар ҳозирги замон фанига номаълум технология асосида, шу жойнинг ўзидида туҳум оқилиб ва бошқа бир органик моддаларнинг қоршишмаси асосида тайёрланган. Бир неча йил муқаддам қандайдир синчков археолог эҳромларнинг биридан инсон соч толасини топиб олади ва бу анча шов-шувларга сабаб бўлади. Яқинда «Дигор» тадқиқот фирмаси олимлари иркутскилик Валерей Горбов ва Сергей Дигон қадимий эҳромлар тилсимининг очилганлигини эълон қилишди. Уларнинг фикрича, мисрликлар қурилиш учун залворли қисмларни шу жойнинг ўзидида—сахрода қум ва денгиз сувидан тайёрлашган. Виктор Дигон ва Александр Дубинин бошчилик қилган «Дигор» ва Санкт-Петербургнинг «ХХI аср маъдансозлари» фирмаларининг тадқиқотларига кўра, қум зарралари 400 градус иссиқликда маълум вақт қиздирилиб, сўнг совутилса, жуда мустаҳкам жисм ҳосил бўлади. Дигоннинг мулоҳазасига кўра, қадимий усталар яратган жисми «Дигор» фирмаси ҳам айнан шу ҳолида ярата олди. Бугунги кунда Саҳроий кабир қумларидангина эмас, бошқа барча сахро қумларидан ҳам ҳеч қандай сарф-харажатларсиз абдий сақланадиган бинолар учун истаган қурилиш ускунасини тайёрлаш мумкин. ●Мексиканин Мехико шаҳридаги қадимий қалъалардан бирини қайта таъмирлаш жараёнида қадимий Ацтек империяси императори Монтесума иккинчидин хукумонлик даврига оид каср қолдиқлари топилди. Мексикалик археологлар гуруҳи раҳбари Эльза Хернандеснинг сўзларига кўра, топилма бир неча хонадан иборат бўлиб, уларнинг бири императорнинг ибодатхонаси бўлган. Маълумотларга кўра, Монтесума иккинчи эрамининг 1466-1520 йилларда яшаб ўтган. ●Буюк британиялик мутахассислар шиша идиш чиқиндиларидан фойдаланишнинг ўзига ҳоз йўлини топишди. Шишани майдалаётган қурилма ёрдамида майдаланган шиша синкларидан қаҳвахона, ресторан, меҳмонхона эгалари безак сифатида ҳам фойдаланмоқда. Шиша синигини бетон, асфальт ҳамда цемент қоршмаларига аралаштириш натижасида йўлнинг чидамлилиги ошмоқда. Натижада автомобиль шиналарининг тез едирилишининг олди олинмоқда. ●«Бней-Цион» тиббиёт маркази ва Хайфадаги Технионда оргрик ҳиссийларини ўлчаш учун компьютерлаштирилган қурилма ишлаб чиқилди. Унинг иши одамларнинг юрак уриши доимо бир хил эмаслиги ҳамда қатор жиҳатлар, хусусан инсон оргрик сезаётганлигига ҳам боғлиқлигига асосланади. Юрак уришини текшириш, кейинчалик уни таҳлил қилиш ва таснифлаш орқали бемор ҳис эаётган оргрик кучини юқори даражада аниқлаш мумкин. Бундай қурилма бемор бирор сабабларга кўра нима ҳис эаётганлигини тўла айтолмаган ҳолларда айниқса кўл келади. ●Буюк Британиянинг қатор мактабларида Оталар кунини нишонлаш нам этилди. Бирлашган Қироллик миллий статистик хизмати маълумотларига кўра, аксарият мактаб маъмуриятларининг бундай йўл тутишига отасиз ўсаётган ўқувчиларда бу байрамдан сўнг руҳий тушунлик ҳолатининг кучайиб кетиши сабаб бўлган. Буюк Британияда охириги 20 йил ичиди оилада отасиз тарбия топаётган болалар сони кескин ошиб кетган. Мазкур мамлакатда Оталар кунини ҳар йили июни ойининг учинчи ҳафтасида нишонланади. Бу байрамда оталар мактабга қаҳирилиб, уларга фарзандлари ўз қўллари билан тайёрлаган совғалар тақдим этилади. ●Осмондан ҳар нарса ёғиши мумкин. Лекин пул ёғилганига ақл бовар қилмайди. Бирок далилларга ишонмасдан ҳам бўлмайди. Бу ҳодиса Лондон кўчаларининг бирида содир бўлди. Қутилмаганда ўткинчилар бошига 20 фунтлик яп-янги банкотлар ёғилса бўладими? Шошиб қолган йўловчилар тарап кетишди. Биров чўнтақни, биров ҳаманни қаппайтириб ҳар томонга жўнаб қолишди. Юқорида эса пул ёққан бешинчи қаваддан аёл билан эркекнинг бақирқ-чақирқлари эшитиларди. Уша кунни бадавлат бир жентельмен пулларининг қайтариб берилишини сўраб полицияга мурожаат қилди. Унинг айтишича, маҳбубиси билан жанжаллашиб қолиб, «сенга пул бергунча, кўчага улқотирганим яхши», деб бойлигини дераздан улқотирган экан. Полиция қизиққон машуққа ҳамдардик билдирди, лекин пулини қайтариб беришга ожизлик қилди. ●Мексиканин Мичоакан штатида 60 ёшдан ошган аёллар ўртасида гўзаллар танлови ўтказилди. Унда 77 ёшли Марина Уртадо голиб чиқди ва энг гўзал моом, деб эълон қилинди. Танлов Мексикада узоқ яшовчилар кунини нишонлашни муносабати билан ўтказилди, деди тадбир ташкилотчиларидан бири. Қизиқарлиси шундаки, танловга келган томошабинларнинг кўпчилиги 60 ёшдан ошган моомлар эди. Ҳисоб-китобларга қараганда айти пайтда Мексикада 60 ёшдан ошганлар сони 6 миллиондан кўп. Уларнинг 80 фоизи ижтимоий ёрдамга муножд. Мухлисларнинг айтишича, мамлакатда узоқ умр қурувчилар сони борган сари кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилга бориб бундай ёшдагилар 10 миллионга етаци. ●Япониянинг «Mazda» автомобиль ишлаб чиқарувчи компанияси дунёда биринчи марта водородбензинли двигателга эга гибридлиган автомобильни синавдан ўтказди. Маълумотларга қараганда, «Ag-1» номли мазкур митти автомобиль жуда қулай ва тежамли. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу гибридлиган машина экологияга деярли зарар етказмайди. Муваффақиятли синавдан ўтган «Ag-1» яқин кунларда сотувга қўйилади.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

СЎФИ ОЛЛОЁР ҲИҚМАТЛАР

Агар қазса ариг киприк била мард, Агар бир хўшаи жав қилса парвард.

Агар тош чайнаса элдин чиқиб тош Кишига эгмагай ҳимматли кул бош.

Не распо пир эрур нафс учун хор Муриди эшигинда юрса ул зор.

Наби айтди қиёмат бўлса, эй дўст, Таъмагири юзида бўлмагай пўст.

Галага бўри чопса эй фалони Қаю айрилса аввал тишлар они.

Кейинга боқмагудек бўлса банда, Етар мақсудига тез излаганда.

Агар боқсанг кейин бу тоғу чўлда, Мабодо қолмагайсан ўрта йўлда.

Ёмон олим ёмонларнинг ёмони.

Егил кам кеча турмоқдин есанг ғам, Бўлур иш кам агар кўп тўйса ишкам.

Риёзат ҳоқиқа ҳар кеча ур бош, Юрак қон айласа лаъл аталур тош.

Эгармиш жазби ишқ шикаста касни, Йиғар гирдоб аксар хору хасни.

Агар сан қилмасанг нафсинг шикасти Етар сақолинга ҳар кунни дасти.

Таваккул бандани йўлдоши бўлса Ажаб эрмас қора тош оши бўлса.

Агар лутф айласа бўстон бўлур чўл, Олов ўртасида пайдо бўлур йўл. Ўтарда аждар оғзин сўрса пойинг Зиён этмас омон этса худойинг.

Агар дарё тубинда бўлса жойинг, Баҳона бирла еткургай худойинг.

Кўнгил ҳақ файзига бўлсин десанг чок Ки аввал мартаба хулқингни қил пок.

Ема зарра ҳаром оғушта нондин Бўлур чохи нажас бир қатра қондин.

Ариғсиз лўқма бирлан қилса тоат Қабул эрмас ўшал қилгон ибодат.

Мусулмон ўғлида бўлса чучук тил Олиб келса бўлур бир қил била фил.

Ёмон тил шумлиги ки, жонга урғай, Гаҳи жондин ўтиб иймонга урғай.

Агар дунёси йўқдин бўлса эр хор Муҳаммадга Билал бўлмас эди ёр.

Агар чандики бўлсанг бебизоат Сулаймонсан, агар қилсанг қаноат.

Қаноатким табиби ҳар касалдур Қаноат ахлига оғу асалдур.

Юрагинг қилсалар оҳан ила чок Чикор олдиға турлук неъматни пок.

Киши тош урса бошга, эй хўжаста Кулуб боқил юзига мисли писта.

Кўрғазмалар


САРА ИҶОД НАМУНАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КЎРҒАЗМАЛАР ЗАЛИДА ТАНИҚЛИ РАССОМ АЗИЗА МАМАТОВАНИНГ ШАХСИЙ КЎРҒАЗМАСИ ОЧИЛДИ. КЎРҒАЗМА ЭКСПОЗИЦИЯСИДАН РАССОМНИНГ ИҶОДИ ДАВОМИДА ЯРАТИЛГАН КЎПЛАБ РАНГТАСВИР АСАРЛАРИ ЎРИН ОЛГАН.

Кўрғазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан таниқли рассомлар, санъатшунослар Азида Маматованин ижодий фаолиятига юксак баҳо бериб, унинг асарларида ўзига хос образлар чуқур фалсафий мушоҳадалар ила ёрқин бўёқларда акс эттирилганлигини, у яратган портретлар нафақат мамлакатимиз, балки бошқа хорижий давлатларда ҳам санъат ихлосмандлари эътиборига сазовор бўлганлигини алоҳида қайд этиб, рассомнинг шахсий кўрғазмаси билан кутладилар ва келгусида ижодига юксак парвозлар тиллашди.

1947 йилда таваллуд топган Азида Маматова ёшлигидан рассомликка ҳавас қўйди. Мактабни тамомлагач ўз орзу мақсади сари интилиб, Санкт-Петербург шаҳридаги И.Репин номи меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рангтасвир институтининг дастгоҳли рангтасвир бўлимига ўқишга кирди ва уни 1973 йили муваффақиятли битирди. Шундан сўнг ижодий фаолиятини Тошкент Театр ва рассомчилик институти, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида чизматасвир кафедрасида доцентликдан бошлади. Шу билан бирга қизгин ижод билан шуғулланиб кўплаб асарлар яратди. Рассом асосан портрет жанрида ижод қилиб, бир қатор тарихий шахслар—улуг алломаларимиз ва мутафаккирларимиз, ёзувчи ва шоирлар сиймосини моҳирона ифодалаган. Азида Маматова яратган Ибн Сино, Бобур, Алишер Навоий, Нодирабегим, Усмон Носир, Чўлпон, Ойбек ва бошқаларнинг портретларида шахснинг образини улуглайди, улар хотирасини абадийлаштиришга ҳаракат қилади. Рассомнинг бу асарлари миллий қадриятларимизни тиклашда, ёш авлоднинг тарихимизга бўлган ҳурматини оширишда, маънавий-маърифий тарбиясида катта хизмат қилляпти, десак муболага бўлмайди.

— Кўрғазманинг «Вақт ва инсон» деб номланишига сабаб, — дейди Азида Маматова, — ҳар хил вақтда, замон ва маконда яшаб ўтган улуг алломаларимиз, элда эътибор қозонган таниқли замондошларимиз қиёфаларини акс эттирган портретларимизнинг энг сараларини жамлаб мазкур кўрғазмада намойиш этмоқдаман. Ижодимдан ўрин олган асарларим орасида устозларим, дўстларим ва юрагимга яқин бўлган замондошларим образини яратар эканман, уларнинг хотираси абадий яшашини, келгуси авлодларга ҳам



ўқишга кирди ва уни 1973 йили муваффақиятли битирди. Шундан сўнг ижодий фаолиятини Тошкент Театр ва рассомчилик институти, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида чизматасвир кафедрасида доцентликдан бошлади. Шу билан бирга қизгин ижод билан шуғулланиб кўплаб асарлар яратди. Рассом асосан портрет жанрида ижод қилиб, бир қатор тарихий шахслар—улуг алломаларимиз ва мутафаккирларимиз, ёзувчи ва шоирлар сиймосини моҳирона ифодалаган. Азида Маматова яратган Ибн Сино, Бобур, Алишер Навоий, Нодирабегим, Усмон Носир, Чўлпон, Ойбек ва бошқаларнинг портретларида шахснинг образини улуглайди, улар хотирасини абадийлаштиришга ҳаракат қилади. Рассомнинг бу асарлари миллий қадриятларимизни тиклашда, ёш авлоднинг тарихимизга бўлган ҳурматини оширишда, маънавий-маърифий тарбиясида катта хизмат қилляпти, десак муболага бўлмайди.

— Кўрғазманинг «Вақт ва инсон» деб номланишига сабаб, — дейди Азида Маматова, — ҳар хил вақтда, замон ва маконда яшаб ўтган улуг алломаларимиз, элда эътибор қозонган таниқли замондошларимиз қиёфаларини акс эттирган портретларимизнинг энг сараларини жамлаб мазкур кўрғазмада намойиш этмоқдаман. Ижодимдан ўрин олган асарларим орасида устозларим, дўстларим ва юрагимга яқин бўлган замондошларим образини яратар эканман, уларнинг хотираси абадий яшашини, келгуси авлодларга ҳам



танитишни мақсад қилиб қўйганман. Шунинг таъкидлаш керакки, Азида Маматованин сермаҳсул ижоди Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Абдулла Қаҳҳор ва Ойбек уй-музейлари, Бадий кўрғазмалар дирекцияси тўпламларида ҳамда АКШ, Англия, Мўғулистон, Россия ва бошқа хорижий давлатлардаги ҳусусий тўпламлардан ўрин олган. Рассомнинг мазкур шахсий кўрғазма экспозициясида Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ойбек уй-музейи, Бадий Кўрғазмалар дирекцияси заҳирасидаги ва муаллифлик асарлари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Азида Маматованин шахсий кўрғазмасидан лавҳалар. Владимир Гранкин олган суратлар

Спорт янгиликлари ТҮЙГА ТҮЁНА БИЛАН

СИЗУ БИЗИНГ ҚАДРИЯТИМИЗ, МИЛЛИЙ СПОРТИМИЗ БЎЛМИШ КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО СПОРТ ТҮРИ ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛА БОШЛАГАНИГА ҲАМ БУ ЙИЛ ЎН ЙИЛ ТЎЛАДИ. ДУНЁ БЎЙЛАБ БУ САНАГА ТАЙЁРГАРЛИК КЕТМОҚДА. ХАЛҚЛАРНИНГ СЕВИМЛИ СПОРТ ТУРИГА АЙЛАНИБ УЛГУРГАН КУРАШНИМIZ ТҮЙГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ УЧУН ҲАР БИР ДАВЛАТНИНГ КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ ЎЗЛАРИНИНГ ТҮЁНАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАМОҚДАЛАР.

—Ана шундай тўёнлардан бири Туркиянинг Истамбул шаҳрида якунига етган «Босфорус» турнири бўлди. — дейди Кураш Халқаро Ассоциацияси матбот котиби Зулхумор Рўзиева.—Турнирда ким ғолиб, ким мағлуб бўлишидан қатъи назар бизнинг қадриятимиз ўзга халқлар томонидан эъозланди. Турнир ташкилотчилари саналмиш Европа кураш конфедерацияси ва Туркия кураш федерацияси вакиллари таъкидлашча, бу турнир ўзбек спорти-курашнинг халқаро спорт тури дея эътироф этилганининг 10 йиллигига муносиб совға бўла олди. Чунончи, кураш гиламида дунёнинг кўзга кўринган полвонлари беллашдилар. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Туркия давлати кураш мусобақаларига жуда кўп мартаба мезбонлик қилган. 2000 йилдаги иккинчи жаҳон чемпионати ҳам айти шу давлатда ташкил этилган эди. Истамбул яна бир йirik мусобақа ноябрь ойида бўлиб ўтадиган Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини ўтказишга тайёргарлик қурмоқда. Энди олтинчи бор ўтказилган «BOSFORUS» халқаро турнири хусусида тўхталадиган бўлсак, мусобақа гиламида дунёнинг ўндан зиёд жумладан, Озарбойжон, Греция, Молдова, Украина, Венгрия, Қирғизистон, Ироқ, Эрон, Тур-

кманистон ва Ўзбекистон каби давлатлардан ташриф буюрган полвонлари ғолиблик учун баҳс олиб бордилар. Мурсасиз баҳслар якуни шунинг қўрсатдики, туркияликлар кураш илмини мукаммал эгаллаб улгурганлар. Буни куйидаги натижалар ҳам яққол намойиш этиб турибди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда: 52 килограмм вазн тоифасида Самат Айнура (Туркия), 63 килограммгача—Сулби Демиралая (Туркия), мутлак вазн тоифасида Назмие Йилмаз (Туркия), эркаклар ўртасида бўлиб ўтган белашувларда Олим Равшанов (Ўзбекистон), Гасеминез Ҳамид (Эрон), Руслан Алиев (Озарбойжон) мутлак вазнда озарбойжонлик Ферит Бабаевлар турнирнинг олтин медалини кўлга киритдилар. Дарҳақиқат, миллий қадриятларимизни анъаналаримизни ўзида камраб олган кураш бугунги кунда ўзгичани бор бўйбаста билан намойиш қилмоқда. Уни таърифлашга ҳар қандай сўз ҳам камлик қилиб бормоқда назаримизда. Зеро, улуг бобоқалонларимизнинг назари тушган бу миллий спорт тури яқин келажакда бутун дунё микёсида тан олинми, энг улкан чўқиларни забт этади, десак муболага бўлмайди.

Гулчехра САТТОРОВА

ПЕШҚАДАМНИНГ ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБАСИ

МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН 13-ТУР БАҲСЛАРИДА ЯНА ОМАД ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАРИ «ПАХТАКОР» ВА «ҚУРУВЧИ»ГА КУЛИБ БОҚДИ.

Жиззаҳда «Сўғдиёна» жамоасига қарши майдонга тушган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Қурувчи» командаси аъзолари ҳужумкор ўйин намойиш этиб мезбонларни 5:0 йирик ҳисобда мағлубиятга учратишди. Тўпларни дарвозага Желаров (2 та) Солиев (2та) ва Хайдаровлар киритишди. Тошкентдаги «МХСК» стадионида йиғилган минглаб мухлислар «Пахтакор»—«Насоф» жамоалари ўртасидаги мурсасиз беллашувнинг гувоҳи бўлишди. Равшан Хайдаров бош мураббийлигидаги «Пахтакор» футболчиларининг устунлиги остида ўтган учрашув 2:0 ҳисобида тошкентликларнинг ғалабаси билан якунланди. Шу кунни мухлислар Гейнрих ва Исмоилов томонидан киритилган чиройли голлардан баҳраманд бўлишди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди. «Локомотив»—«Андижон» —2:0, «Шўртан»—«Навбахор»—1:0, «Нефтчи» — «Бухоро» —2:0, «ЎзДонгЖу» —«ОТМК» —0:0, «Самарқанд» —«Кизилкум» —3:1, «Машъал» —«Металлурги» —1:0

Мамлакат XVII миллий чемпионатининг 14-тур беллашувлари 5 июлда бўлиб ўтади. (Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тadbirkорлар диққатига! Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият қўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тadbirkорлик субъектларини текширишни янада қўсқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-таdbirkорлик тўғрисида»-ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тadbirkорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган. Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Худудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Table with columns: №, Қорхона номи, Мақоми, СТР, Рўйхатга олинган қарор саваси ва рақами, ОКПО, Хўжалик судининг ахирин рақами, Муваққат бошқарувчи, Банкротлик иши куйидаги кунда ва соғда қўрилди

Кредиторларнинг йиғилиши 2008 йил 11 июлда соат 10.00да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар куйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона. Банкротлик иши 2008 йил 14 ва 25 июлда, соат 10.00да, Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 4,3-сонли суд залида, Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида (судья Г.М.Таирова, К.Х.Давлетова томонидан) кўрилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва тармоқ қасаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари жамоалари Енгил ва мебел саноати ҳамда коммунал-мушайиш хизмат кўрсатиш ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Омонулла Шукурович Сафоевга волидаи муҳтарамаси ХОЖИНИСА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2641 нусхада босилди. Қўғоғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.